5

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARQAND VILOYATI
XALQ DEPUTATLARI
SAMARQAND SHAHAR
KENGASHINING
Q A R O R I

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ
САМАРҚАНД ШАҲАР
КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

2017 йил «2» март **113-15**

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида шаҳардаги айрим кўча номларини ўзгартириш тўғрисида

Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуғ ва ардоқли фарзанди, мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Ватанимизни мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, ҳалокат ёқасига келиб қолган юртимизни қайта тиклади. Буюк йўлбошчимиз ғоят қалтис ва таҳликали бир вазиятда оғир қийинчиликлар ва синовларга қарамай, тарихан қисқа даврда Ўзбекистонни жадал ва барқарор суръатлар билан ривожланаётган замонавий демократик давлатга айлантирди.

Ислом Каримов ўзининг серқирра сиёсий фаоллиги, олийжаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдирди. У нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилди.

«Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида"ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 41-42-сон, 483-модда; 2016 й., 17-сон, 176-модда, 42-сон, 490-модда)295-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 январдаги ПҚ-2744-сонли "Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қарори, («Халқ сўзи» газетаси, 26.01.2017 й., 19 (6713)-сон,) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил Департаментининг 2017 йил 14 февралдаги "Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида вилоят ва шаҳарлардаги марказий кўчаларга Ислом Каримов номини бериш бўйича таклиф киритиш тўғрисида"ги 08/1-150-сонли хати ҳамда Самарқанд шаҳридаги ўзини ўзи бошқариш органлари ва бир катор корхона ва

ташкилотларнинг илтимосномаларини инобатга олиб, Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги "Географик объектлар номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларининг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида"ги 295-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 январдаги ПҚ-2744-сонли "Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қарори,Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил Департаментининг 2017 йил 14 февралдаги "Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида вилоят ва шаҳарлардаги марказий кўчаларга Ислом Каримов номини бериш бўйича таклиф киритиш тўғрисида"ги 08/1-150-сонли хати раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича вилоят комиссияси томонидан Самарқанд шаҳридаги Тошкент кўчаси номини Ислом Каримов номли кўча деб ўзгартириш бўйича киритилган таклифлар *(2017 йил 21 февралдаги 05/3-104-сонли йиғилиш баёни)*маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Самарқанд шаҳридаги Тошкент кўчаси номи ўзгартирилсин ва Ислом Каримов номли кўча деб юритилсин.

4. Шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари (Ш.Ёров)га мазкур қарорни белгиланган тартибда шаҳар ҳокимлигининг расмий веб сайтига жойлаштириш ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш вазифаси топширилсин.

5. Шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси (О.Абдуллаев)га номи ўзгартирилган кўчанинг ном кўрсатгичларини белгиланган муддатларда янгилаш вазифаси топширилсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг "Қонунийлик, ҳуқуқ тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси" (Ф.Садуллаев) ва шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Эшпргановлар зиммаларига юклатилсин.

Шаҳар Кенгашининг
ўн бешинчи сессияси раиси **М.Бабабекова**